

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 11-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Анваров, судланувчилар Ж.Акбаров, Н.Назиров ва фуқаровий даъвогар О.Насимовнинг иштирокида, Акбаров Жаҳонгир Ойбек ўғли ва Назиров Низомиддин Амоновичга нисбатан 1-1513-2201/451-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Акбаров Жаҳонгир Ойбек ўғли (Akbarov Jaxongir Oybek o'g'li), 1992 йил 5 сентябрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, маълумоти ўрта, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ таъсисчиси ва расмий раҳбари, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми ва 61-моддаси тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Марғилон шаҳар, Марғилон шаҳар, Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини, Терактаги кўчаси, 57-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 29 июль куни олган,

Назиров Низомиддин Амонович (Nazirov Nizomiddin Amovich), 1988 йил 25 августда Қувасой шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти олий, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ норасмий раҳбари, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 11 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 26 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 1 йил 11 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва энг кам ойлик иш ҳақининг 7



баравари миқдорида, яъни 672.735 сўм жарима жазосига судланган, жиноят ишлар бўйича Қувасой шаҳар судининг 2015 йил

10 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан 1 йил 1 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, жарима жазосини 2016 йил февраль куни тўлаган;

4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 5 август кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2020 йил 14 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан жазонинг 3 йил 4 ой 28 куни шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган;

5) жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2021 йил

14 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

6) жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2021 йил 20 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 2 ва 8-қисмлари, 61-моддаси тартибида 4 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

7) жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддасига асосан 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Қувасой шаҳар, Полмон маҳалла фуқаролар йиғини, Фермер кўчаси, 15-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 29 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан айбланишган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчилар Н.Назиров ҳамда А.Акбаровлар 2019 йил 25 июлда Марғилон шаҳар давлат хизматлари марказидан “MARG`ILON INVEST



STROY” масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатдан ўтказишиб, жамият раҳбари сифатида А.Акбаровни кўрсатишиб, жамиятнинг барча савдо ва воситачилик фаолиятини биргаликда юргизишиб, Марғилон шаҳар давлат солиқ инспекциясига жамиятнинг 2019-2020 йиллар давомида амалга оширган фаолияти юзасидан солиқ органларига топширилган ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғи базасини 6.555.609.400 сўмга қасддан камайтириб кўрсатиб, жами 950.302.500 сўмлик солиқни қасддан яшириб, жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Шунингдек, Н.Назиров жиноий шериги А.Акбаров билан ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттиришиб, 2021 йил давомида пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 7.447.437.300 сўмлик юқори ликвидли ва харидоргир маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, унинг савдосидан тушган нақд пулларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 2011 йил 17 ноябрдаги “Фискаль хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарорлари талабларига зид равишда, назорат касса машинасига кирим қилмасдан ва банк муассасасига топширмасдан товарлар савдоси қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишган.

Судланувчи Ж.Акбаров суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, Н.Назиров қариндоши бўлгани, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил июль ойида холасини ўғли Ахмедов Зоҳиджон унга тадбиркорлик билан шуғулланишини айтиб, номига фирма очишни таклиф қилганда, у билан муносабатлари яхши бўлгани сабабли рози бўлгани, шундан сўнг 2019 йил 25 июлда Марғилон шаҳар давлат хизматлари марказига бориб, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖни номига давлат рўйхатидан ўтказгани, марказда унга берилган гувоҳнома ва уставларни З.Ахмедовга бергани, ўша куни З.Ахмедов уни Фарғона шаҳридаги “Трастбанк” Фарғона филиалига олиб бориб, банкка кириб, ҳисоб-рақам очиб чиқишни айтгани учун ўзи банкка кириб, ҳисоб-рақам очиб чиққани, жамият номига олинган муҳр ва штампларни З.Ахмедовни ўзига топширгани, шундан кейин у билан бу масалада гаплашмагани, текширишда жамиятнинг 2019-2020 йиллар давомида амалга оширган фаолияти юзасидан топширилган ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғи базасини 6.555.609.400 сўмга қасддан камайтириб кўрсатиб, жами 950.302.500 сўмлик солиқни қасддан яширишгани, 2021 йил давомида пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 7.447.437.300 сўмлик юқори ликвидли ва харидоргир маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, унинг савдосидан тушган нақд пулларни назорат касса машинасига кирим қилишмагани аниқлангани, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖни раҳбари бўлиш учун З.Ахмедов унга моддий ёрдам қилишини айтгани сабабли рози бўлгани, бошқа ҳолатларни билмаслигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, оилада ягона боқувчи эканини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Н.Назиров суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил ёз ойларида холасини ўғли З.Ахмедов билан гаплашиб, унга фирма очиш ва “Трастбанк”да ҳисоб рақам очиш кераклигини айтгани, ушбу топшириғига асосан З.Ахмедов бошқа жияни



Ж.Ақбаров номига 2019 йил 25 июлда Марғилон шаҳар давлат хизматлари марказида “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказгани, шундан кейин З.Ахмедов унинг кўрсатмасига асосан Ж.Ақбаровни “Трастбанк” АТБ Фарғона филиалига олиб бориб, ҳисоб-рақам очгани ва уни телефонига “банк клиент” программасини ўрнатиб бергани, шундан сўнг у жамиятни фаолиятини юритиб келгани, кейинчалик жамиятнинг 2019-2020 йиллар давомида амалга оширган фаолияти юзасидан текшириш ўтказилгани, текшириш давомида “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖни фаолиятини юритишда 950 302,5 минг сўм қўшилган қиймат солиғи яширилгани ва 7 447 437,3 минг сўм нақд пуллар банк ҳисоб рақамига топширилмагани аниқлангани, қўшилган қиймат солиғи 2019 йилда жорий этилганлиги сабабли солиқ ҳисоботларини юритишда адашмовчиликларга йўл қўйгани, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖни солиқ ҳисоботлари билан ўзи шуғуллангани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни келгусида қоплашини айтиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ж.Ақбаров ва Н.Назиров ўзларига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув беришган бўлсалар-да, уларнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан :

- фуқаровий даъвогар О.Насимовнинг суддаги, Фарғона вилоят Давлат Солиқ Бошқармаси томонидан Марғилон шаҳридан рўйхатдан ўтган “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖнинг 2019-2020 йил давомидаги молия-хўжалик фаолиятида юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилгани, тафтиш якунига кўра, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ томонидан 2019-2020 йиллар фаолияти давомида ДСИга топширган ҳисоботларида қўшилган қиймат солиғи базасини кам кўрсатиш усули билан 950.302.500 сўм қўшилган қиймат солиғи яширилгани, шунингдек жамият томонидан сотилган маҳсулотлар тушумидан тушган жами 7.447.437.300 сўм миқдоридagi нақд пул маблағларини

назорат-касса машинасига кирим қилинмагани ва жамиятнинг банк ҳисоб рақамига топширмагани аниқлангани, ҳозирда моддий зарар қопланмагани, судланувчилардан етказилган моддий зарарни ундириб беришликни сўраши ҳақидаги;

- гувоҳ Ш.Шерматовнинг суддаги, у АТБ “Капиталбанк” Фарғона филиалида бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келишини, Марғилон шаҳридан давлат рўйхатидан ўтган “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ раҳбари З.Ахмедов АТБ “Капиталбанк” Фарғона филиалига 2019 йил 30 сентябрда келиб, иккиламчи ҳисоб-рақам очгани, жамият раҳбари З.Ахмедов ҳисобланишини, З.Ахмедовнинг ўзи шахсан келиб, ҳисоб рақамни очиш учун расмийлаштириладиган ҳужжатларга шахсан ўзи имзо қўйгани ва пул ўтказмаларини “Mobile banking” дастури орқали амалга ошириш учун шартнома билан ушбу хизматга улангани ва операциялар ушбу дастур орқали амалга оширилгани, жамиятнинг банкдаги ҳисоб-рақамида 2020 йил 3 март кунига қадар пул маблағлари айланмаси амалга оширилгани, жамиятнинг банкдаги ҳисоб-рақамига 2020 йил 3 март кунига қадар 12.309.527.871 сўм пул



маблағи келиб тушгани ва шунча пул маблағи бошқа ҳисоб-рақамларга ўтказилгани ҳақидаги;

- гувоҳ А.Рахмоновнинг суддаги, Фарғона вилоят Давлат Солиқ Бошқармаси томонидан Марғилон шаҳридан рўйхатдан ўтган “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖнинг 2019-2020 йил давомидаги молия-хўжалик фаолиятида юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилгани, тафтиш якунига кўра, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ томонидан 2019-2020 йиллар фаолияти давомида ДСИга топширган ҳисоботларида қўшилган қиймат солиғи базасини кам кўрсатиш усули билан 950.302.500 сўм қўшилган қиймат солиғи, шунингдек жамият томонидан сотилган маҳсулотлар тушумидан тушган жами 7.447.437.300 сўм миқдоридagi нақд пул маблағларини назорат-касса машинасига кирим қилинмагани ва жамиятнинг банк ҳисоб рақамига топширмагани аниқлангани ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖ фаолияти бўйича ўтказилган терговга қадар текшириш юзасидан маълумотнома (1-жилд. и.в. 11-13), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 2022 йил 24 мартдаги №1102-сонли хабарнома (1-жилд. и.в.14-15), “MARG`ILON INVEST STROY” МЧЖнинг молия хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш якуни бўйича далолатнома (2-жилд и.в.31-43) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Судланувчилар Ж.Ақбаров ва Н.Назировнинг Марғилон шаҳар ДСИга тақдим этган ҳисоботларида қўшилган қиймат солиғи базасини кам кўрсатиш усули билан жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаш ҳамда сотилган маҳсулотлар тушумидан тушган жуда кўп миқдордаги нақд пул маблағларини назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, жамиятнинг банкдаги ҳисоб-рақамига топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31-майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 2-бандида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасдан бўйин товлаш тушунилиши лозимлиги, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яшириш — бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузишда ифодаланиши, фойдани (даромадни) ёки



солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланиши, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмаслик ёки солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодаланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ж.Акбаровга жазо тайинлашда, юқоридаги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини эътироф этиб, унга нисбатан айбланган моддалар санкциясида альтернатив жазолар мавжудлиги сабабли жазо санкцияси доирасида жарима жазоси ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда Жиноят кодекси 59-моддаси 2-қисми тартибида жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек, Жиноят Кодекси 59-моддаси 8-қисмига асосан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман кўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Н.Назировга жазо тайинлашда, юқоридаги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида илгари қасддан жиноят содир этган шахсни қасддан содир этганлиги жеб ҳисоблайди ва Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини эътироф этиб, унга нисбатан айбланган моддалар санкциясида альтернатив жазолар мавжудлиги сабабли жазо санкцияси доирасида жарима жазоси ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда Жиноят кодекси 59-моддаси 2-қисми тартибида жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек, Жиноят Кодекси 59-моддаси 8-қисмига асосан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони, мазкур ҳукм билан тайинланган



жазога қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд Марғилон шаҳар прокурорининг даъво аризасини қаноатлантириб, судланувчилар Ж.Акбаров ва Н.Назировдан солидар тартибда Марғилон шаҳар ДСИ фойдасига 950.302.500 сўм моддий зарар ундиришликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Акбаров Жаҳонгир Ойбек ўғли (Akbarov Jaxongir Oybek o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Акбаровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 189-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари миқдорда 81.000.000 (саксон бир миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ж.Акбаровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ж.Акбаровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 59-моддаси 8-қисмига асосан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони, янги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати 2022 йил 17 февраль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Акбаровга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Назиров Низомиддин Амонович (Nazirov Nizomiddin Amovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Н.Назировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисми билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 189-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари миқдорда 81.000.000 (саксон бир миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.



Н.Назирова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Н.Назирова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 59-моддаси 8-қисмига асосан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2022 йил 19 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони, янги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларида ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати 2021 йил 16 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Н.Назирова нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Марғилон шаҳар прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилсин ва судланувчилар Ж.Ақбаров ва Н.Назировдан солидар тартибда Марғилон шаҳар ДСИ фойдасига 950.302.500 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

М.Марахимов

Аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Марғилон шаҳар судининг раиси

М.Марахимов

Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович

